

**И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ (МТУ) РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.Т/Ped.99.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА МОҲИНУР ЖОНПЎЛАТОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Саидова Моҳинур Жонпўлатовна

Бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан
фойдаланиш методикасини такомиллаштириш..... 3

Саидова Моҳинур Жонпулатовна

Совершенствование методики использования информационных технологий
на уроках математики в начальных классах..... 21

Saidova Mokhinur Jonpulatovna

Improvement of the use of information technology in elementary school
mathematics 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ (МТУ) РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.T/Ped.99.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА МОҲИНУР ЖОНПЎЛАТОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (математика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gubkin.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Усаров Жаббор Эшбекович
педагогика фанлари доктори, доцент

Эшматов Бахтиёр Ҳасанович
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси И.М.Губкин номидаги (МГУ) Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.22/30.12.2019.T/Ped.99.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дурмон йўли кўчаси, 34-уй. Тел.: (99871) 262-70-91 / факс: (99871) 262-96-63, e-mail: info@gubkin.uz)

Диссертация билан И.М.Губкин номидаги (МГУ) Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дурмон йўли кўчаси, 34-уй. Тел.: (99871) 262-70-91)

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

А. М. Магруппов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А. А. Усманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Э. Р. Юзликаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш»¹ долзарб вазифа сифатида белгиланди. Бу таълим тизимида педагоглар, жумладан, бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий фаолиятида методик тайёргарлик даражасини ошириш, ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтди.

Дунё миқёсида таълим жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш, уларнинг дидактик асосларини ўрганиб, янги усул, воситаларни ишлаб чиқиш методикасини ва методологик асосларини такомиллаштириш, ўқувчилардаги ижодий билиш фаолиятининг репродуктив ва продуктив даражаларни моделлаштириш юзасидан илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур илмий тадқиқотлар натижасида ўқувчи-ёшларнинг эркин, мустақил фикрлаш, атрофдаги воқеликка онгли муносабатда бўлиш, дахлдорлик ва ижтимоий фаоллик каби сифатларини ривожлантириш, дарс жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг моддий-техника базаси яратилди, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Интеллектуал салоҳиятли ўқувчини тарбиялашда таълим тизимининг ролини кучайтириш бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаб, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятига жорий қилиш учун замин яратиш билан бир қаторда бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда республикамизнинг таълим соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини тубдан такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибалар, илмий изланишлар ва замонавий технологияларни бошланғич таълим жараёнига интеграция қилиш, билиш фаолиятини шакллантириш орқали бошланғич синф ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини ўстириш устувор вазифа қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикасида таълим сифатини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим жараёнида натижавийликка эришиш бўйича ўқувчиларнинг ақлий ва ижодий тафаккурни ўстириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш”² каби муҳим вазифалар белгиланган. Таълим тизимида бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўргатишда ахборот таълим ресурслари, иқтидорли ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш учун ижодий материаллар тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

жорий этиш, фанга бўлган қизиқишни ўстириш билан бир қаторда, Давлат таълим стандартида математика фани доирасида келтирилган билим, кўникма ва малакаларни ҳаётда қўллай олиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4947-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори, шунингдек, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги принципларини жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада таълим жараёнини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш муаммоларини А.А.Абдуқодиров, Н.Н.Азизходжаева, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Ж.Йўлдошев, М.А.Рахимов, Ў.Қ.Толипов, М. Файзиева, А.А.Шодиев, А.Ҳайитовлар, бошланғич синф ўқувчиларнинг ижодий билиш фаолиятини шакллантириш ва математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича Б.С.Абдуллаева, М.Э.Жумаев, Н.М.Зайнитдинова, Р.Ибрагимов, М.И.Тошпулатова, Д.И.Юнусова, Ф.М.Қосимов³ ва бошқалар томонидан изланиш олиб борилган. Математика дарсларида ижодий ёндашув ва техник воситаларни қўллаш борасидаги илмий

³ Абдуқодиров А.А. Ахборот технологиялари. – Тошкент, 2004. – Б. 76.; Азизходжаева Н.Н. Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда педагогик технологиялар - Тошкент, 2007. – Б. 14-23.; Арипов М.М. Ахборот технологиялари. – Тошкент, 2009. – Б. 198.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед. фан. док. дис. – Тошкент:ТДПУ, 2007. – Б. 305.; Йўлдошев Ж. Интерфаол таълим сифат кафолати. –Тошкент, 2008. – Б. 86. Рахимов М.А. Научно-методические основы разработки содержания и изучения технических дисциплин. Автореф. дисс. док. пед. наук. -Тошкент, 1998. – с. 42.; Толипов Ў.Қ. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Тошкент:“Фан” 2006. – Б. 76.; Файзиева М. Медиа ва ахборот саводхонлиги. Ўқув қўлланма /– Тошкент: “Baktria press”, 2018 й. – Б. 139.; Ҳайитов А.Ф., Шодиев А.А. Ахборот технологиялари. – Тошкент, 2004. – Б. 76.; Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари: Пед. фан. док. дисс.... –Тошкент: ТДПУ, 2006. – Б. 263.; Жумаев М. Ўқитувчининг ижодий шахс сифатида ривожланишида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик-математик тайёргарлик. Монография.Т.: “Фан”, 2009. – Б. 240.; Зайнитдинова М. Оғзаки математик машқлар системаси ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳисоблаш малакаларини шакллантириш. пед.ф. номзоди дар.олиш учун дисс.– Тошкент, 1997.– 164 бет.; Ибрагимов Р. Бошланғич таълим ўқувчиларида билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари: Док. дис. пед. фан. – Тошкент, 2001. – Б. 250.; Тошпулатова М. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш // Автореф. дисс. пед. фан. -Тошкент, 2017. – с. 24.; Юнусова Д.И. Бўлажак математика ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш назарияси ва амалиёти. Автореф. дисс. докт. пед. наук. – Тошкент: ТДПУ, 2012. – Б. 47.; Қосимов Ф.М. Математикадан ижодий топшириқларни яратиш жараёни. Бошланғич таълим асослари ва усулиёти. -Тошкент, 2013. – Б.13-18.

ёндашувлар МДХ давлатлари олимлари О.Н.Арестоева, В.А.Акамова, А.Е.Войскунский, Н.Ю.Егорова, И.Г.Захарова, Н.Б.Истомина, А.С.Кругликов, Н.В.Клемешова, С.В.Панюкова, И.В.Роберт, Л.П.Стойлова, А.В.Стродубцов, С.Т.Швецоваларнинг⁴ тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Хорижда АҚШ олимларидан А.W.Bates, Z.L.Berge, J.S.Daniel, Chad Sutton⁵ каби тадқиқотчи олимлар мультимедиа тизимини таълим муассасаси, ўқув жараёнида қўллаш масалалари билан шуғулланишган. Лекин бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг методик асосларини такомиллаштириш алоҳида илмий тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-23 рақамли «Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиа дари ишланмалари мажмуасини яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўргатишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг методик асосларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазибалари:

бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўргатишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг компетенциявий дидактик асослари мазмунини ёритиш;

бошланғич синф математика дарсларида ижодий материалларни танлашда фойдаланиладиган замонавий ахборот технологияларига доир методик таъминотни шакллантириш.

⁴ Арестоева О.Н., Войскунский А.Е. Ориентировочная стадия общения, опосредствованного компьютером // Материалы Международной конференции «Выготский и гуманитарные науки». Голицыно, 1994.; Акамова В.А. Обучение математике студентов средних специальных учебных заведений с использованием информацион-ных технологий // Автореф. дисс. канд. пед. наук - Саранск, 2011.; Егорова Н.Ю. Мультимедиа как средство повышения эффективности обучения в общеобразовательной школе // Автореф. дисс. канд. пед. наук - Чебоксары, 2000.; Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2003. - 192 с.; Истомина Н.Б. Методическая система развивающего обучения математике в начальной школе. Автореф. дис. док. пед. наук. М., 1995. - 42 с.; Кругликов А.С. Методика преподавания математики с использованием информационных технологий и компьютерных продуктов учебного назначения: дис. кандидат педагогических наук. - Москва. 2003. 228 с.; Клемешова Н.В. Мультимедиа как дидактическое средство высшей школы // Автореф. дисс. канд. пед. наук - Калининград, 1999.; Панюкова С.В. Использование информационных и комму-никационных технологий в образовании. Учеб. пособие для студ. ВУЗов. — М. : Изд. центр «Академия», 2010. —224 с.; Роберт И.В. Информационные и коммуникационные технологии в образовании // Учебно-методическое пособие для педагогических ВУЗов. -М., 2006. -с. 259.; Стойлова Л.П. Бошланғич математика курси асослари: Педагогика билим юртлари ўқувчилари учун. - Т.: «Ўқитувчи», 1991. - 336 б.; Стародубцев В.А. Компьютерные и мультимедийные технологии в естественнонаучном образовании. Монография. - Томск: Делтаплан, 2002. - 224 с.; Швецова С.Т. Принципы педагогической интеграции и их реализации в процессе методико-математической подготовки учителя начальных классов: Дисс.к.п.н., М.,1986. - 110 с.

⁵ Bates A.W. Technology: Open Learning and Distance Education /A.W.Ba-tes. - Routledge: London, 1995. - 266 p. Berge, S.Mrozowski // American Journal of Distance Education. - 2001. - 15(3). - P. 5 - 19.; Daniel J.S. Distance learning: the vision and distance learning: the reality – what works, what travels? // Technology standards for global learning. -United States, April 26 - 28, 1998, -8 p.; Chad Sutton. Elementary teacher perceptions of math professional development on mathematics instruction // Doctor of education. Kansas City, Missouri 2017.

бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологиялари ва ресурсларидан фойдаланиш жараёнида қатор компонентларни шакллантиришга қаратилган модел ишлаб чиқиш.

бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда инновацион технологиялар базасини ривожлантиришга хизмат қиладиган мультимедиали электрон таълим ресурсларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синфларда математика дарсларини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида жами 427 нафар ўқувчи қатнашди.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синфларда математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг мазмуни, шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида мавзуга доир педагогик, психологик ва методик манбалар, дидактик материаллар, фаолият натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, педагогик эксперимент, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўргатишнинг дидактик асосларини (принциплар, шакллар, воситалар) ҳамда уларни таълим жараёнида (репродуктив, продуктив ва когнитив усулда) қўллашнинг компетенциявий мазмуни ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида ривожлантирилган.

математика дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий билиш фаолиятини ўстириш, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ва халқаро баҳолаш (TIMSS) талабларига жавоб бера оладиган ёшларни тарбиялашда ижодий материаллар мазмуни, уларни танлашда фойдаланилган замонавий ахборот технологиялар базасини кенгайтиришга ундовчи методик таъминот асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф математика дарсларида шакллантириладиган компонентлар (коммуникатив, электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш, ўз устида ишлаш, креативлик, прогноз қилиш)ни ўз ичига олган модел ишлаб чиқилган ҳамда инновацион технологиялар, шакл ва воситаларни қўллаш жараёни орқали математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси такомиллаштирилган;

математика фанини ўқитишда бошланғич синфларда мавжуд инновацион технологиялар базаси такомиллаштирилди, халқаро таълим тизими талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош иқтидорли ўқувчиларни тарбиялашга хизмат қиладиган мультимедиали электрон таълим ресурслари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш ижтимоий-педагогик зарурат эканлиги асосланган ва бошланғич синфларни ўқитиш жараёнида

ўқувчиларни бу фаолиятга тайёрлашнинг шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилди;

бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда ахборот технологияларини таълим жараёнига жорий этиш асосида ижодий материалларга доир методик тавсиялар ишлаб чиқилди;

бошланғич синфларда математика фанини ўқитишнинг методикасини шакллантириш учун ижодий топшириқлар ва назорат ишлар тўплами яратилиб амалиётга жорий этилди;

бошланғич синф ўқувчилариига математика фанини ўқитишда ахборот технологияларини такомиллаштириш бўйича мультимедиали электрон ахборот ресурслари яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги, муҳокамалардан ўтганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларига математикани ўргатишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг методик асосларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган билим, ахборотларни тақдим этиш воситалари, йўллари ва усулларини такомиллаштиришни ўқитиш сифатига оид кўрсаткичлар тизими асосида ташкил этиш, бошланғич синф математика фанини Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини ахборот технологиялари асосида такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бошланғич синф математика дарсларини ахборот технологиялари асосида ўқитиш жараёнини осонлаштиришда, ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришда, бошланғич таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган математика фани бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш, ўқитиш сифатини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар:

бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўргатишнинг дидактик асосларини (принциплар, шакллар, воситалар) ҳамда уларни таълим жараёнига (репродуктив, продуктив ва когнитив усулда) қўллашнинг компетенциявий мазмунини ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида ривожлантириш бўйича берилган таклифлардан дарс ишланмалари ва таълим стандартлари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 89-03/-3724-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларига математикани

ўргатишда ахборот технологияларига асосланган энг зарурий методик база такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган;

математика дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий билиш фаолиятини ўстириш, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ва халқаро баҳолаш (TIMSS) талабларига жавоб бера оладиган ёшларни тарбиялашда ижодий материаллар мазмуни, уларни танлашда фойдаланилган замонавий ахборот технологиялар базасини кенгайтиришга ундовчи такомиллаштирилган методик таъминот Республика таълим маркази ҳузуридаги “Бошланғич таълим” йўналишининг 2018 йилдаги режасига асосан 1-4-синфлар учун мўлжалланган “Назорат ишлар тўплами” мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги № 89-03/-3724-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф математика дарслари учун методик (мақсадли, мазмунли, ташкилий) таъминот, ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқишлари, ўқув фаоллиги, олинган билимларни қисман, қайта ва ижодий хотирлашга доир (репродуктив, продуктив, когнитив) топшириқлар орқали мустақил еча олиш ҳамда дарсларни инновацион кўринишларда ташкил қилиш самарадорлиги ошган;

математика фанини ўқитишда бошланғич синфларда мавжуд инновацион технологиялар базаси такомиллаштирилган, халқаро таълим тизими талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош иқтидорли ўқувчиларни тарбиялашга хизмат қиладиган мультимедиали электрон таълим ресурслари яратилган бўлиб, 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-23 рақамли «Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 89-03/-3724-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўқитишнинг инновацион технологиялар базаси такомиллаштирилган, халқаро истиқболликка эришиш йўлида иқтидорли ўқувчиларни тарбиялашга хизмат қиладиган мультимедиали электрон таълим ресурслари мазмуни такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий-методик иш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та (7 таси республикада ва 3 таси хорижий журналда) мақола тарзида нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бошланғич таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг илмий, методик, меъёрий ва дидактик асослари, ахборот технологияларидан фойдаланишга доир материаллар мазмуни ҳамда уларни танлаш принциплари, ҳозирда бошланғич синф математика дарсларида ишлаб чиқилиши зарур бўлган ижодий топшириқлар тизими ва ресурсларга эҳтиёж қай ҳолатда эканлиги, уларни қайси мавзулар, қандай тартиб ва усуллар асосида тайёрлаш кераклиги ёритилган.

Ҳозирги кунда жаҳон талабларига жавоб берувчи рақобатбардош ёшларни тайёрлашга имкон яратадиган инновацион таъминотни яратиш, ташкиллаштириш ва таълимда кенг фойдаланиш энг долзарб масалага айланган. Бошланғич таълимнинг мазмунан янгиланиши, таълим ва тарбиянинг сифат самарадорлигини оширишга қаратилган концепциялар, ҳар томонлама қобилиятли ёшларни тарбиялашга бўлган замон талаблари тадқиқот ишининг нақадар долзарблиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради.

Таҳлил этилган ҳуқуқий-меъёрий асосларга кўра, ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳозирги кунда жаҳон талаби даражасига кўтарилганлиги ва уни таълим жараёнига сермахсул усулларда татбиқ этиш талаб этилади. Юксак натижага эришиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани асос қилиб олиш, сўнг ахборот технологияларидан фойдаланишнинг дидактик асосларини янги усул ва йўллاردан фойдаланиб ташкил этиш, уларни таълим мазмунига сингдириш ҳамда уларнинг замирида ўқувчиларда фанга доир таянч компетенцияларни шакллантириш лозим.

Тадқиқот натижасида бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёнида қуйидаги компетенцияларнинг шакллантирилиши аниқлаштирилди:

назарияни амалиётга татбиқ этиш бўйича - бошланғич синфларда математика фанидан билимларни эгаллаш, фаннинг долзарб масалаларини аниқлаш ва ўқувчиларга етказа олиш;

метод ва технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича - ноанъанавий методлар, илғор таълим технологияларини математика фани мавзуларини ўргатиш вақтида қўллаш олиш, мавзуларга доир метод ва технологияларни ижодий қўллаш олиш, фактларни таҳлил қилиш,

умумлаштириш, шу асосда хулоса чиқара олиш;

ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича - дарс типлари ва турларини билиш ва уларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш; жамият ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари мазмуни ва аҳамиятини тушуниш; мавзулар асосида инновацион ва замонавий илғор технологияларни қўллай олиш; интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий методлари, усуллари ва воситаларига, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўлиш; математика дарсларида нафақат ўқувчиларнинг амалий тафаккурини, балки боғланишли нутқини ўстиришга доир методик базани шакллантириш.

Мазкур компетенциялар дидактик, методик, илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий қилиш каби қатор вазифалар бажарилишини тақозо этади.

Бошланғич синф математика дарсларида натижавийликка эришиш ва юқоридаги компетенцияларни ўқувчиларда шакллантириш учун дидактик асослар, метод, усул ва воситаларни мослаб танлаш ва таълим жараёнида қўллай олиш тадқиқот иши вазифаларининг тўлиқ бажарилишига имкон берди.

Танланган усул, восита ва методлар болаларнинг кўриб фикрлаш қобилиятини ўстириши, билимларни амалий ва назарий ўзлаштиришга имкон бериши, танланган усул орқали белгиланган мавзу бўйича билимни осон ўзлаштириши; қайта хотирлаш ва ижодий топшириқлар орқали ўрганган билимларини амалда қўллай олиши, мавзу моҳиятини осон тушуниб, ижодий топшириқларни мустақил еча олиши ва фанга доир қизиқишини ўстиришига хизмат қилишига эътибор қаратилди.

Тадқиқот мақсадига кўра 1-4-синфлар учун математика дарсларида танланган дидактик асослар орқали ахборот технологияларидан фойдаланишга йўналтирилган ижодий материаллар мазмуни ва уларни танлаш принциплари тизимлаштирилди. Унга кўра, танланган материаллар математика фанининг ўқув режаси ва дастури талабларига мос келишига, ўқувчиларнинг билимларни қийналмасдан ўзлаштириб олишига, уларнинг илмий дунёқарашини, амалий тафаккурини кенгайтиришига, мустақил ва ижодий фикрлашини, мантиқий мушоҳада юритишини ўстиришига ва шу каби қатор вазифаларни қамраб олишига эътибор қаратилди. Булар эса ўз навбатида халқаро баҳолаш тизимига кирувчи PISA va TIMSS топшириқларини ечишда тайёргарлик вазифаларини ўтайди.

Тадқиқот ишида белгиланган вазифаларни ижодий материаллар орқали ресурслар ва назорат иши тўплами мазмунига сингдириш самарали эканлиги аниқлангани ҳолда, бошланғич синф ўқувчилари учун қайси мавзулар доирасида ижодий материалларнинг ишлаб чиқилиши кераклиги аниқ тизимга солинди, унинг мазмуни аниқлаштириб олинди. Қолаверса, бошланғич синф математика дарсларини ахборот технологиялари асосида ўтиш учун тузилган ижодий материалларнинг ички моҳияти белгилаб олинди (1-расмга қаранг).



1-расм. Ахборот технологиялар асосида ўргатиш кўзда тутилган ижодий топшириқлар мазмуни

Мазкур ижодий топшириқларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш билан бир қаторда, коммуникатив, электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш, ўз устида ишлаш, креативлик, прогноз қилиш компонентларини, коммуникативлик, ахборот билан ишлаш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимой фаол фуқаролик, математик саводхонлик, умуммаданий компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади. Қолаверса, инновацион ва ахборот технологияларини таълим жараёнига киритиб, ҳар томонлама етук ва салоҳиятли кадрларни тайёрлаш доирасидаги ғояларнинг амалий натижасини берувчи база бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Боşланғич синфларда математика фанини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларини татбиқ этиш методикасини такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида боşланғич синфларда математика фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш, боşланғич синфларда мисол ва масала ечишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг усуллари, интерфаол топшириқлар тизими ҳақида фикр юритилган ва мавжуд методика такомиллаштирилган.

Боşланғич синф ўқувчиларига математик тушунчалар, ҳаракат жараёни, соннинг улуши ва каср сонни топишга доир масалаларни тушунтириш учун

энг мақбул усул, восита ва методларни танлаш лозимлиги, танланган методлар кўргазмалиликни таъминлаши, усуллар эса ижодий тафаккур қилишга ундаши лозимлиги баён этилган. Ҳар бир восита мавзу моҳиятини осон тушунишга, ижодий топшириқларни мустақил еча олишга, фанга доир қизиқишни ўстиришга, маълум компетентликни шакллантиришга хизмат қилиши зарурлиги ёритиб берилди. Қолаверса, ижодий топшириқ материалларини математика таълими мазмунига сингдириш мақсадида минимал талабларни ва ижодий мазмунни ўзига жамлаган “Назорат иши” тўплами яратилиб, тадқиқот ишидаги қатор вазифалар унинг мазмунига сингдирилган(1-жадвалга қаранг). (ISBN-978-9943-5472-8-5)

1-жадвал

1-4 синф ўқувчилари учун танланган ижодий материаллар мазмуни

Ижодий материаллар мазмунига доир ёндашувлар	Мазмуни	Амалдаги натижа
Интегратив	Фанлараро алоқадорликни ўрнатиш. Математика фани доирасида турли фанларни интеграциялаш	Олинган билимлар турли фанлар мазмунида таҳлил этилади. Турли билим соҳаларини математика фани доирасида интеграциялаш қобилияти, таълимнинг дунёқарашни ривожлантириш функцияси бажарилади.
Продуктив ва Репродуктив	Қайта хотирлаш ва қисман қайта хотирлаш типидagi топшириқлар тизими	Ўқувчиларнинг олган билимлари қисман ижодий фикрлаш ва қайта хотирлаш мазмунига сингдирилади.
Когнитив	Ижодий ёндашиш мазмунини ўзида жамлаган топшириқлар тизими	Олинган билимлар асосида ижодий мураккаб топшириқларни башоратлаш орқали мустақил еча олиш.
Компетенциявий	Ўқувчиларнинг олган билимларини амалиётда қўллай олишлари	Математика фани доирасида олинган билимларни ҳаётий муҳитдаги турли топшириқларда бажара олади.
Касбга йўналганлик	Танланган топшириқлар қайсидир касбга қизиқиш ва лаёқатни ўстира олиши	Олинган материаллар мазмуни ўқувчиларга касбий танловни қизиқишдан келиб чиқиб амалга ошириш имкониятини беради.


Танланган ижодий ишларда интегратив, продуктив, репродуктив, когнитив, компетенциявий мазмун ташкил этиш зарурлиги эътироф этилади. Ижодий ишларнинг мазмуни ўқувчиларда маълум касбга қизиқишни

шакллантиришга хизмат қилиши зарурлиги эътиборга олинган. Қолаверса, ижодий ишларни ахборот технологиялари мазмунига сингдириб дарс жараёнида фойдаланишда ўқувчиларни табақалаштириб мавзуларга мос инновацион технологияларни танлаш зарур, - деб топилди, уларни етказиш йўллари ва мазмуни ишлаб чиқилди.

Ўқув жараёнида ахборот технологияларини қўллаш боланинг амалий тафаккурини ўстиришда, таянч компетенцияларни шакллантиришда устувор ҳисобланади. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар бўйича изланишлар олиб борилди ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларга:

- ўқувчиларда илмий ва амалий кўникмаларни шакллантириш;
- ўзлаштириш доирасидан келиб чиққан ҳолда танланган мавзуни етказишда кўргазмалиликдан фойдаланиш;
- кўргазмалилик мазмунини инновацион технологиялар базаси билан кенгайтириш;
- ўқув материаллари ва танланадиган мавзулар моҳиятини продуктив, репродуктив ва когнитив мазмун билан бойитиш;
- ижодий топшириқлар мазмунида таълим жараёнига олиб киришнинг интегратив, компетенциявий ва фанлараро алоқадорлик ёндашувларидан фойдаланиш.


Бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан фойданиш методикасини такомиллаштириш ва ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга қаратилган қатор кўргазмали ижодий топшириқлар “Назорат ишлар” тўплами мазмунига сингдирилган. (ISBN-978-9943-5472-8-5).



Бундай ижодий топшириқларни ахборот технологиялари ва ижодий иш мазмунига сингдириш минимал талабларни ўзлаштиришга имконият яратиб берди.

Топшириқлар мазмуни ҳаракат жараёни, соннинг улуши, каср сон ҳақидаги тасаввурларни осон тушунишга ва компетенциявий муносабатни ўстиришга хизмат қилади.

Юқоридаги қатор эҳтиёж ва зарурий таъминотларни ҳисобга олган ҳолда ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш тизими бўйича ўқув ва ижодий фаолиятни ўзи ичига олган дидактик модели ишлаб чиқилди. Бу моделнинг асосий мақсади бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини шакллантиришдан иборат. Моделда шакллантириладиган усуллар сифатида ижодий топшириқлар, ахборот таълим ресурслари олинган. Мазкур усулларнинг қайси мавзулар мазмунига киритилишига эҳтиёж кучли эканлиги аниқлаштирилган (2-расмга қаранг).



2-расм. Бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини шакллантириш модели

Танланган мавзуларни таълим жараёнида қўллаш учун инновацион технологиялар, шакл ва усуллар, қатор ёндашувлар мазмуни келтирилган. Жараёни олиб бориш натижасида ҳосил қилинадиган компетенциялар модел мазмунига сингдирилган. Маълум компетенциялар шаклланган ўқувчида ўзлаштириш кўрсаткичи ҳам юқори бўлади. Ўқувчи аввал ўз-ўзини назорат қилади, сўнгра билимини ҳаётда қўллаб кўради. Математика фанига доир шакллантирилган амалий ва абстракт тафаккури орқали халқаро талаб даражасига тайёр бўлишини таъминлайди.

Диссертациянинг «**Бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самардорлиги**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, мазмуни, тажриба-синов натижаларининг математик статистик таҳлили ва самардорлик даражаси ҳақида фикр юритилган. Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таққосланиб, тажриба синфларидаги натижаларнинг самарали эканлиги аниқланди.

Тадқиқот жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг математика фани дастури асосида инновацион таълим технологиялари воситасида методик тайёргарлигининг такомиллашганлик даражаларини белгилашнинг қуйидаги мезонлари ривожлантирилди:

когнитив мезонлар – бошланғич синф ўқувчиларининг олган билимларини ҳаётини тажрибада қўллай олиши;

жараёнли мезонлар – коммуникатив кўникмалар – таълим жараёнида ахборот воситалари, синф муҳити билан мақсадли муносабатлар ўрнатиш лаёқати, турли хил ўргатувчи дастурларда топшириқлар ифодаланишининг тушунарлилик даражасини таҳлил қилиш, берилган ижодий ишлар мазмуни ва натижаларни башоратлаш; ҳиссий муносабат ўрнатиш лаёқати.

интегратив мезонлар – математика фанини бошқа фанлар билан интегратив ўрганиш қобилияти, ижодий салоҳият, ўсишга интилиш хусусиятларининг ташкил топтирилиши.

Бошланғич синфларда математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммоси бўйича тадқиқотимиз 2017-2019 йиллар мобайнида 4 босқичда ўтказилди. Педагогик тажриба-синов ишларида 14 та синф қатнашди. Шулардан 7 таси тажриба, 7 таси назорат синфлари сифатида белгиланди ҳамда самардорлик кўрсаткичлари “5”, “4”, “3”, “2” даражалар бўйича баҳоланди.


Педагогик тажриба-синов гипотеза сифатида назорат гуруҳида олиб борилди ва олинган натижалар таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижаларнинг самарали эканлиги кўрсатилди.

Ушбу натижаларнинг ҳисоб жадвали қуйидагича (2-жадвалга қаранг):

Ўқувчиларнинг топшириқлар асосидаги ўзлаштириш кўрсаткичи

Статистик кўрсаткичлар	1-топши-рик	2-топши-рик	3-топши-рик	4-топши-рик	5-топши-рик
Баҳоларга нисбатан ўртача қиймат	$\bar{X}_T = 3.99$ $\bar{X}_n = 3.44$	$\bar{X}_T = 3.95$ $\bar{X}_n = 3.31$	$\bar{X}_T = 4.06$ $\bar{X}_n = 3.47$	$\bar{X}_T = 3.93$ $\bar{X}_n = 3.32$	$\bar{X}_T = 3.98$ $\bar{X}_n = 3.38$
Самарадорлик коэффициенти	$\eta = 1,19$	$\eta = 1,19$	$\eta = 1,17$	$\eta = 1,18$	$\eta = 1,18$
Стьюдент статистикаси	T=7,69	T=7,61	T=7,23	T=7,26	T=7,38
Статистика озодлик даражаси	K=425	K=425	K=425	K=425	K=425
Критик қиймат	$T_{\text{крит}} = 1,97$	$T_{\text{крит}} = 1,97$	$T_{\text{крит}} = 1,97$	$T_{\text{крит}} = 1,97$	$T_{\text{крит}} = 1,97$
Мезон хулосаси	H_1	H_1	H_1	H_1	H_1

4-синфлар бўйича тажриба-синов жарёнида олиб борилган методик ишлар ва турли замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этилган дарслардан кейинги натижалар билан танишамиз (3-расмга қаранг):



3-расм. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижалари

Ушбу ҳисоб жадвалидаги натижаларга кўра, тажриба синфидаги натижалар 1,17-1,19 баробарга ортганлиги ва $T > T_{\text{крит}} = 1,97$ бўлгани учун H_0 гипотеза инкор этилиб, H_1 гипотеза қабул қилинади, яъни тажриба синфидаги ўқитиш назорат гуруҳига нисбатан самарали эканлиги, математик-статистик

методлар орқали ўртача 18 % га юқори эканлиги математик-статистик методлар орқали исботланди.

ХУЛОСА

1. Халқаро таълим тизими талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош, иқтидорли ўқувчи ёшларни тарбиялашда ахборот технологияларидан фойдаланиш базасини кучайтириш зарурлиги махсус тадқиқотлар олиб борилишини тақазо этади.

2. Бошланғич синф ўқувчиларига математика фанини ўргатишнинг дидактик асослари (принциплар, шакллар, воситалар) ҳамда уларни таълим жараёнида қўллашнинг (репродуктив, продуктив, когнитив) компетенциявий мазмуни ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида ривожланиши исботлаб берилди.

3. Бошланғич синфларда масалалар устида ишлашнинг умумий хусусияти ўрганилиб, таҳлил қилинди. Ахборот технологиялари асосида ўқитилиши зарур деб ҳаракат жараёни, соннинг улуши ҳамда каср сонларни топишга доир масалалар танланди ва ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди.

4. Бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш мақсадида ижодий материаллар мазмуни, уларни танлашда фойдаланилган замонавий ахборот технологиялар баъзаси кенгайтирилди.

5. Бошланғич синф математика дарсларида ўқувчиларнинг ақлий билиш фаолиятини ўстириш, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёшларни тарбиялаш мақсадида ижодий материаллар мазмуни, уларни танлашда фойдаланилган замонавий ахборот технологиялар базаси аниқлаштирилди ҳамда ҳар томонлама таълим жараёнида сифат ва самарадорликни ўстириш учун мантикий фикрлашга ундовчи методик таъминот асосида такомиллаштирилди.

6. Математика дарсларида электрон таълим ресурсларини қўллашнинг модели ишлаб чиқилди ва таълим ресурсидан фойдаланиш жараёнида шакллантириладиган компонентлар (коммуникатив, электрон ахборот таълим ресурсидан фойдаланиш, ўз устида ишлаш, креативлик, прогноз қилиш)ни ўз ичига олган механизм самарали эканлиги тасдиқланди.

7. Каср сон, соннинг улуши ва ҳаракат жараёнига доир мавзуларни ўргатиш учун ижодий топшириқлар тизими асосида “Қувноқ математика” ва “Ҳаракатга доир масалаларни ечиш” ахборот таълим ресурслари яратилди.

8. Ҳаракат жараёни, соннинг улуши ва каср сонларни топишга доир масалаларни ечишга ўргатишда ахборот технологияларини қўллаш билан боғлиқ мавзулар бўйича мураккаблик даражасига қараб тузилган топшириқлар ва ресурслар тажриба синфларда татбиқ этилди. Ўқувчиларнинг топшириқларни бажариш натижаси унинг самарадорлигини тасдиқлади.

9. Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик методлар ёрдамида қайта ишлаш асосида тадқиқотда илгари сурилган ғояларнинг қониқарли даражада тўғри қўйилганлиги асосланди ва

бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган педагогик тажриба-синов иши якуни унинг самарадорлигини тасдиқлади.

10. Бошланғич синф математика дарсларида ахборот технологияларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришга доир таклифлар Давлат талаблари ҳамда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигига қўйилган талабларни такомиллаштиришга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаси бошланғич синфларда ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш бўйича қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди:

1. Ўқувчиларни халқаро баҳолаш тизимига (PISA VA TIMSS) жавоб берадиган қилиб тарбиялашда табақалаштириш асосида ишлаб чиқилган махсус схема ва методик манба ёрдамида таълим жараёнини ташкил этиш лозим.

2. Бошланғич синф математика дарсларида ҳаракат жараёнига доир, соннинг улуши ва каср сон тушунчаларини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўргатишга доир тавсиялар, илмий ва амалий ёндашувлар ишлаб чиқилиши ва таълим мазмунига сингдирилиши зарур.

3. Тадқиқот ишимиз давомида ишлаб чиқилган бошланғич синфларда ўқувчиларни масала ечишга ўргатишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича яратилган илмий-методик тавсияларни оммалаштириш ҳамда ўринли ва унумли фойдаланишга эришиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.22/30.12.2019.Т/РЕД.99.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФИЛИАЛЕ
РОССИЙСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА НЕФТИ И
ГАЗА (НИУ) ИМЕНИ И.М.ГУБКИНА В ТАШКЕНТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

САИДОВА МОХИНУР ЖОНПУЛАТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ
В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (математика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ– 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3.PhD/Ped1119.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.gubkin.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (по адресу www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Усаров Жаббор Эшбекович,
педагогика фанлари доктори, доцент

Эшматов Бахтиёр Хасанович
кандидат физико-математических наук, доцент

Ведущая организация:

Джизакский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.22/30.12.2019.T/Ped.99 при филиале Российского государственного университета нефти и газа (НИУ) имени И.М.Губкина в Ташкенте (адрес: г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, улица Дурмон йули, дом №344). Тел.: (99871) 262-70-91 / факс: (99871) 262-96-63, e-mail: info@gubkin.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре филиале Российского государственного университета нефти и газа (НИУ) имени И.М.Губкина в Ташкенте (зарегистрировано за № _____). (Адрес: адрес:, г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, улица Дурмон йули, дом №344). Тел.: (99871) 262-70-91

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.

(протокол рассылки № _____ от _____ 2020 года).

А. М. Магрупов

председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

А. А. Усманова

ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.психол.н., доцент

Э. Р. Юзликаева

председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI веке образование признано во всем мире как ключевой фактор обеспечения устойчивого развития в Международной концепции образования до 2030 года «получение качественного образования и активную социализацию учащихся»⁶ определена как актуальная задача. Это расширило возможности учителей в системе образования, в том числе учителей начальных классов, использования технологий, направленных на повышение уровня методической подготовки в профессиональной деятельности, развитие творческого мышления.

Во всем мире проводятся научно-практические исследования по внедрению информационных технологий в учебный процесс, изучению их дидактической базы, совершенствованию методических и методологических основ разработки новых методов, средств, по моделированию репродуктивного и продуктивного уровней творческой познавательной активности у учащихся. В результате проведенных исследований создана материально-техническая база по развитию таких качеств, как свободное, независимое мышление, осознанное отношение к реальности, вовлеченность и социальная активность для использования информационных технологий на уроках, разработаны нормативные документы. Усиление роли системы образования в воспитании умственно развитых учащихся, обеспечивает высокое качество начального образования и требует развития профессиональной компетентности учителей начальных классов, а также создания основы для внедрения передовых педагогических и информационно-коммуникационных технологий в деятельности учителей начальных классов.

Сегодня приоритетной задачей является совершенствование нормативно-правовой базы использования информационных технологий в образовании, интеграция передового зарубежного опыта, научных исследований и современных технологий в процесс начального образования, развитие знаний, умений и навыков учащихся начальных классов посредством формирования познавательной деятельности. В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан определены такие приоритетные задачи, как “коренное улучшение условий для всестороннего интеллектуального, творческого развития учащихся для достижения эффективности в учебном процессе, обеспечение доступа к информационным технологиям, повышение уровня квалификации педагогов и специалистов”⁷. Помимо разработки информационных ресурсов при обучении математике учащихся начальных классов в системе образования, разработки и внедрении системы творческих материалов для повышения интеллектуального потенциала одаренных учащихся, и применения его на практике, повышения интереса к науке, одним из наиболее

⁶ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 May 2015, Incheon, Republic of Korea).

⁷ Указ Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года УП-4947. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., №6, ст.70..

актуальных вопросов в Государственном образовательном стандарте является применение знаний, навыков и умений в области математики.

Настоящее диссертационное исследование в определенной мере служит решению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан №187 от 6 апреля 2017 года «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего и среднего специального, профессионального образования», а также постановлениях Президента №ПП-3931 от 5 сентября 2018 года «О мерах по внедрению новых принципов управления системой народного образования», ПП-5712 от 29 апреля 2019 года «О концепции развития системы народного образования до 2030 года», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления науки и технологий: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы.

В нашей республике проблемы организации учебного процесса с использованием информационных технологий изучали А.А. Абдукадыров, Н.Н. Азизходжаева, М.М. Арипов, У.Ш. Бегимкулов, М.А.Рахимова, У.К.Толипова, М. Файзиевой, Ж.Юлдашева, А.А.Шодиева, А.Хайитова, формирования творческой познавательной активности учащихся начальных классов и использованию информационных технологий на уроках математики посвящены исследования Б.С.Абдуллаевой, М.Э.Жумаева, Н.М.Зайнитдиновой, Р.Ибрагимова, М.И.Тошпулатовой, Д.И.Юнусовой, Ф.М.Касимова⁸ и других.

